

МИЛЛИЙ МУСИҚА НАМУНАЛАРНИНГ “СОЛЬФЕДЖИО” ФАНИ ДАРСЛАРИДА ҚҮЛЛАНИЛИШИ ЎРНИ

Гулнора Тошпўлатова

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи

“Мусиқа назарияси” кафедраси бўлим бошлиғи

Катта ўқитувчи

+998903593541

Аннотация

Ўзбекистонда замонавий мусиқий таълим тизими жорий этилиши муносабати билан назарий ва амалий фанлар бўйича талабларга мос дарслик ва ўқув қўлланмалардан кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Кўп асрлик бебаҳо мусиқий меросимиз ҳамда ҳозирги замон ижодкорлиги маҳсули бўлган халқчил намуналар таълим жараёнини янада такомиллаштириб, келажак авлод билим манбани бойитища катта хизмат қилиб келмоқда.

Калит сўзлар: сольфеджио, рисола, фольклор, усул.

Аннотация

Благодаря внедрению в Узбекистане современной системы музыкального образования появилась возможность пользоваться учебниками и пособиями, соответствующими требованиям теоретических и практических наук. Наше многовековое бесценное музыкальное наследие и фольклорные образцы, являющиеся продуктом современного творчества, еще больше совершенствуют образовательный процесс и служат обогащению источника знаний будущих поколений.

Ключевые слова: сольфеджио, трактат, фольклор, ритмо-формула.

Abstract

Thanks to the introduction of a modern system of music education in Uzbekistan, it became possible to use textbooks and manuals that meet the requirements of theoretical and practical sciences. Our centuries-old invaluable musical heritage and folklore samples, which are the product of modern creativity, further improve the educational process and serve to enrich the source of knowledge for future generations.

Keywords: solfeggio, treatise, folklore, rhythm formula.

Маълумки, Марказий Осиё мусиқа маданияти ривожланиши тарихига катта хисса қўшган буюк олимлар – Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Сафиуддин Урмавий, Махмуд Шерозий, Ҳожи Абдулқодир Марофий, Абдураҳмон Жомий, Нажмиддин Кавқабий, Дарвиш Али Чангий каби уламоларнинг мусиқа ҳақидаги рисолалари кўплаб мусиқашунос-олимларнинг илмий ишлари орқали бизгача етиб келган. Шарқ мусиқа назарияси ва амалиётида юксак даражали ютуқларга эришган Сафиуддин Урмавий (XII-XIII)нинг кўплаб рисолалари (“Рисолат уш-Шарафийя” (“Шарафли рисола”) ҳамда “Китаб ул-адвар” (“Мусиқа ва ритм доиралари китоби”)да “Ўн икки мақом” (“Дувоздаҳ мақом”), овоза ва шўъба масаласи тўғрисида қимматли фикрлар баён этилади.[1]

Жумладан, Форобийнинг “Китаб ул-муслиқа ал-кабир” номли асари муқаддима ва уч бўлак китобдан иборат. Муқаддима қисмида муаллиф мусиқанинг назарий ва амалий масалалари, куйнинг пайдо бўлиши, мусиқа жанрлари, чолгулар, куйларнинг таърифи, куйларнинг ижроси, интерваллар, товушқаторлар, консонанслар ва диссонанслар ҳақида фикр юритади. Биринчи китобда мусиқавий акустика, нағмалар нисбати, интервалларнинг турлари, уларни ҳосил этилиш қоидалари, ритмлар ва бошқа масалалар шарҳлаб берилади. Иккинчи китобда уд, танбур, най, рубоб каби чолгулар, уларнинг

пардалари, торлари ва диапазони ҳакида сўз боради. Учинчи китоб куйлар ва мақомларни ҳосил этиш, ритм, чолғу ва ашула мусиқаси, куй безаклари ва бошқа масалаларга бағишиланган. Ушбу китобда лад (мақом)ларнинг ташкил этадиган қисмлари – тетрахорд ва пентахордларнинг турлари, мақомотнинг жуда кўп хиллари, унинг шўйбалари келтирилади.[2]

Тарихий-назарий изланишларнинг натижаси амалий жиҳатдан ҳозирги замон мусиқа ижрочилари учун ҳам тадқиқод қалитидир. Моҳир созанда, таникли устоз, иқтидорли композитор Холмирза Файзуллаевич Азимов (1925-1992) илк илк ўзбек пианиночиларидан эди. У ўз вақтида ўнлаб ўзбек ҳалқ куй ва қўшиқларини севимли фортепиано чолғуси учун мослаштириди, қайта ишлади. Шунингдек, композитор сифатида пианиночиларга атаб катта кичик шакл ва жанрларда хилма хил асарлар басталади.

Тажрибали муаллим ўзбек мусиқаси асосида тайёрланган “Фортепиано дарслиги”ни 1971 йилда нашр эттиришга муваффақ бўлган. Китоб сўз бошида таъкидланишича, Ўзбекистон композиторларининг асарлари қаторида дарсликка ўзбек ҳалқ мусиқа ижодидан олинган мисоллар ҳам киритилган.[3] Кейинроқ Холмирза Азимов илмий-ижодий изланишларини давом эттириб, дарсликни янги, қисман ўзи ижод этган куй намуналари билан бойитиб борди. Шунинг натижасида 1998- йилда “Фортепиано дарслиги”[4] нинг қайта ишланган нашри чоп эттирилди. Маълум бўйича, илк нашрдан фарқли ўлароқ, сўнгги тўпламда мусиқий асарлар сони ва сифати анча ортди: оддий фольклор қўшиқлари билан бир қаторда “Тановор” (Х.Азимов қайта ишланган), “Қари Наво” (Н.Норхўжаев мослаштирган), “Савти Муножот” (А.Берлин қайти ишланган) каби мумтоз куйларининг фортепиано талқинлари ўрин олди. Миллий мусиқа санъатини ривожлантириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги ПҚ-3391-сонли қарорига мувофиқ [5] миллий ўзлигимизни англаш, ҳалқимиз, аввало, ёш авлодимизни юксак инсоний туйғулар руҳида тарбиялаш, унинг эстетик диди ва тафаккурини шакллантиришда мақом санъатининг кенг имкониятларидан етарлича фойдаланиш, мақом санъатининг кўп асрлик ижро йўлларини пухта ўзлаштириб, уларни янгича усууллар билан бойитиб, ёш авлод вакилларига ўргатиш мақсад қилиб олинган. Бу борада махсус мусиқа мактаб ва лицейлардаги бир қатор назарий фанларни ўзлаштиришда янги методик услубдан фойдаланиш йўлга қўйилди. Жумладан, “Сольфеджио” фани дарсларида ўқувчиларнинг эшлиши онгига миллий мусиқани сингдириш мақсад қилиб олинди ва ҳозирги кунда мусиқашунос профессорлар – Оқилхон Иброҳимов, Равшан Юнусов муаллифлигидаги “Сольфеджио дарслиги” ўқув қўлланмаси кенг қўлланмомоқда.

Мазкур ўқув қўлланма “махсус мусиқа таълимининг бошланғич бўғини учун мўлжалланган бўлиб, унинг мазмунида ўзбек мусиқий фольклори ва мумтоз касбий мусиқаси, Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари асарларидан танлаб олинган ҳар хил ноёб намуналар муаллифлар томонидан ўқув мақсадларига мос ҳолда муайян тартибга туширилган”. [6] Ўқувчилар билан куйлаш машқларини бажариш жараёнида дарслиқдаги анъанавий мусиқа меросидан – терма, қўшиқ, ёр-ёр, алла, лапар, катта ашула, сувора ва бошқа нота мисолларидағи товуш, товушқатор, интервал, оҳанг, усул каби мусиқий ифода воситаларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Дарс жараёнида ўқув-услубий тавсияларга кўра:

Нота мисолларидаги пардалар созига таянган ҳолда ўқувчиларнинг куйлашида оҳанг тозалигига эришиш.

Ҳар мисолнинг асосий тоналлигини аниқлаб созланиб олиш. Бош пардадан товушқатор тарзида пардаларни бир-бирига боғлаб, юқори ва қуий томон куйлаш, пардаларни ажратиш.

Қийин бўлган парчаларни алоҳида машқ қилиб куйлаш қоидаларига амал қилинмоқда.

Уч бўлимдан иборат “Сольфеджио дарслиги”даги машқлар иш режасида белгиланган мавзулар баёнидан келиб чиқади.

“Диатоника”, “Мураккаб услублар” ва “Хроматизм” бўлимларидаги машқлар 5 синфдан бошлаб битириувчи синф ўқувчиларига мўлжалланган. Аввалига ўқувчилар оддий, сўнгра мураккаб ва аралаш ўлчовлардаги машқларни куйлайдилар.

Тўрт юздан ортиқ машқлар орасида - болалар фольклор қўшиқлари, бастакорлик ва композиторлик асарлари, майший жанрдаги қўшиқлар, мумтоз куй ва ашулаваридан парчалар ўрин олган. Жумладан, “Оқ теракми кўк терак”, “Читти гул”, “Баҳор келди”, “Офтоб чиқди” болалар фольклор қўшиқлари,

К.Отаниёзовнинг “Туркманистон”, Ф.Назаровнинг “Мактабим”, Ҳамзанинг “Хой ишчилар”, Ф.Содиковнинг “Жаҳон бўйлаб бир овоз янграп” номли қўшиклари, шунингдек, мақом мусиқаси намуналаридан “Самоий Дугоҳ” (Шашмақом туркумидан), “Насри Сегоҳ”, “Сараҳбори Дугоҳ V-таронаси” (Шашмақом туркумидан), “Баёт II” (Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан), “Дугоҳ сувораси” (Хоразм мақомларидан) ва бошқа куй ва ашулашардан парчалар ўрин эгаллаган.

Ўқувчиларда мусиқий эшитиш кўникмаларини ривожлантириш, миллий оҳангларни куйлаш маҳоратини ошириш жараённида машқлардаги доира усули (“бак-бум”лар воситасида) алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга, гардун, наср, савт-мўғулча, талқин, чапандоз номли мақом усулларини ўзлаштириш бироз мураккаблик туғдиришини инобатгага олиб, аралаш ва мураккаб 5/4, 8/4 ўлчовлари 2/4, 3/4 га алмаштирилиб ижро этилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда замонавий мусиқий таълим тизими жорий этилиши муносабати билан назарий ва амалий фанлар бўйича талабларга мос дарслик ва ўқув қўлланмалардан кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлаётгани қуонарли ҳолдир. Кўп асрлик бебаҳо мусиқий меросимиз ҳамда ҳозирги замон ижодкорлиги маҳсули бўлган ҳалқчил намуналар таълим жараёнини янада такомиллаштириб, келажак авлод билим манбайнини бойитишда катта хизмат килмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. “Санъат”, Т., 2006. 20 бет.
2. Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. “Санъат”, Т., 2006., 15-16 бетлар.
3. Қаранг: X.Ф.Азимов. Фортепъяно дарслиги. “Ўқитувчи” Т., 1971., 5 бет.
4. X.Azimov. Fortepiano darsligi “Ўқитувчи”, Т.,1998.
5. <https://lex.uz/docs/3581613>
6. Oqilxon Ibrohimov, Ravshan Yunusov. Solfedgio. Toshkent-2004, 4-бет.